

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан 2023 йилнинг Июль-Сентябрь ойлари оралиғида амалга оширилган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ



2023 йил 14 июль куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида 2023/2024 ўқув йиллари учун абитуриентлардан хужжатларни қабул қилиш, касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш ва талабалар қабулинин аъло даражада ташкиллаштириш мақсадида тузилган қабул комиссиясининг масъул котиби ва котиб ўринbosарлари билан «Коррупцияга ўрин йўқ» мавзусида давра сухбати бўлиб ўтди.

Давра сухбатини институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ва қабул комиссияси ташкиллаштириди.

Давра сухбатни институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Палмурза Хожабеков бошқариб борди.

Тадбир давомида 2023/2024 ўқув йиллари учун қабул жараёнини шаффоф ва одил ўтишини таъминлаш бўйича аббитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини кизиқтирган саволларига тўлиқ ва тушунарли жавоб бериш, коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик ва олдини олиш бўйича фикр алмашилди ва масъул ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

<https://ndpi.uz/qq/2023/07/20/23736/>




2023 йилнинг 24 июль ва 1 август кунлари оралиғида институтнинг 2023/2024 ўқув йиллари қабулида бакалаврият Жисмоний маданият, Тасвирий санъат

ва мұхандислик графикаси ва Мұсиқа таълими йұналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилди.

Имтиҳон жараёнининг очик-ойдин ва шаффоғ ўтилишини таъминлаш мақсадида институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.


2023 йил 18 июль куни @nmpiantikor_bot телеграм ботига хабар бериш имконияти яратилганлиги тўғрисидаги плакатлар имтиҳонлар ўтказиладиган биноларнинг барчага кўринадиган жойларига қистириб чиқилди.



Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари дикқатига институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи П.Хожабеков видеомурожаат қилди. Видеомурожаат институтнинг расмий веб-сайти ва @nmp1934 телеграм каналига узатиб берилди. <https://youtu.be/yWKxyQsEM88>




2023 йил 24 июль ва 1 август кунлари оралигига ўтказилган касбий (ижодий) имтихонларда Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ходимлари фаол иштирок этишиди.



<https://youtu.be/91PF7cKXKaY>

2023 йил 14 август куни институтда хорижий ва нодавлат ОТМлардан ўкишни кўчириш бўйича касбий (ижодий) имтихонлар бўлиб ўтди. Имтихонлар жараёни Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан назоратга қилинди.

<https://ndpi.uz/qq/2023/08/14/24256/>



2023 йил 18 июль куни институт талабалари билан «Коррупцияга йўқ дейлик» ва «Ёшлар коррупцияга қарши» шиорлари остида флемшмоб ўтказилди.

Тадбирда институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи П.Хожабеков талабалар билан сұхбатлашди. Талабаларни бўлимнинг ишонч телефони ва аноним хабарлар қабул қилувчи телеграм боти билан таништириб, коррупциявий ҳолатлар тўғрисида мурожаат этишларини айтди.


Талабаларга Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш керак эканлиги хақида айтildи. Тадбир давомида талабалар ўзларининг фикр ва таклифларини билдиришди.





2023 йил 21 август куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида 2023/2024 ўкув йиллари учун иккинчи мутахассисликга қабулда тест ва касбий (ижодий) имтиҳонларни юкори даражада ташкиллаштириш максадида тузилган қабул комиссияси масъул котиби ва котиб ўринбосарлари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисни институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ва қабул комиссияси ташкиллаштириди.

Мажлисни институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Палмурза Хожабеков бошқариб, олиб борди.


Мажлис давомида 2023/2024 ўкув йиллари учун иккинчи мутахассисликга қабул жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича фикр алмашилди ва масъул ходимларга кўрсатмалар берилди.
<https://ndpi.uz/qq/2023/08/22/24298/>



2023 йил 23 август куни ўтказилган иккинчи мутахассисликга касбий (ижодий) имтиҳонларда Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ходимлари фаол иштирок этишди.
<https://ndpi.uz/qq/2023/08/23/24304/>



2023 йил 28 август күни Коррупцияга қарши курашиб «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ходимлари институтдаги янгидан ишга қўшилаётган № 2 – сонли ТТЖга бориб, унинг администрацияси ва ходимлари билан учрашиб, «ТТЖ фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик» мавзусида учрашув ўтказилди.



Учрашувда ТТЖдаги жихозларнинг бузилмасдан ишлашини таъминлаш, ТТЖга жойлашишда коррупцияга йўл қўймаслик, талабалар билан ТТЖ ўртасида шартнома мажбурий турда тузилиши ва ТТЖда яшаш ҳақилари тўланиши вақтида инсон омилларини бартараф этиш масалалари тўғрисида фикрлар алмашилди.

Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашиб «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими ходимлари Нукус шаҳар, 26-кичик туман, Дэрбент кўчаси номерсиз уйда жойлашган қизлар ётоқхонасига бориб, ТТЖга талабаларнинг жойлашишининг тартиби тўғрисида шу масалаларга жавоб берадиган масъул ходимлари билан фикр алмашди ва тегишли мазмундаги плакатлар қистириб чиқилди.




Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан тегишли профилактик ишларни амалга ошириш давом этмоқда.

2023 йил 11 сентябрь куни Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан институтнинг барча факультетлари ёшлар иттифоки ва талабалар кенгаси етакчилари иштирокида давра сұхбати бўлиб ўтди. Учрашувга жами 10 та талаба қатнашди. Учрашувни Антикоррупция бўлими бошлиги П.Хожабеков бошқариб борди.

Учрашув давомида 2023/2024 ўкув йилида факультетларда коррупцияга қарши курашишда етакчиларнинг ўрни, роли ва масъулиятини янада кучайтиш масаласи кўриб чиқилди. Учрашувда етакчилар томонидан бир қанча таклифлар берилди. Шу билан бирга, янги ўкув йилида «Коррупцияга қарши курашиш талаба-ёшлар Клуби»ни янгилашда етакчиларга тегишли топшириклар берилди.

<https://ndpi.uz/qq/2023/09/22/24897/>



2023 йил 11 сентябрь куни институтда коррупциявий иллатларга қарши курашишга аталган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Қорақалпогистон Республикаси худудий бўлими бошлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Бошлигининг маслаҳатчиси, Жўқорғи Кенгес депутати Т.Романов, институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Р.Ешмуратов, ўкув ишлари бўйича проректор в.в.б. А.Абдиев, таълим сифатини назорат килиш бўлими бошлиги Э.Асамаддинов, Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиги П.Хожабеков, факультет деканлари ва талабалар жами 20 та одам иштирок этди.


Учрашувда Антикоррупция бўлими бошлиги П.Хожабеков Сўзга чиқиб, бўлим фаолияти ва бўлим томонидан юқорғи инстанцияларга берилган таклифлар ҳақида айтиб ўтди.

<https://ndpi.uz/qq/2023/09/11/24668/>





2023 йил 18 сентябрь күни Антикоррупция бўлими бошлиғи П.Хожабеков, Ректор, проректорлар, ёшлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси, деканлар, декан ўринбосарлари ва тьюторлар иштирокидаги мажлисга қатнашди. Мажлисда П.Хожабеков сўзга чиқиб, бўлим фаолияти ва бир қанча долзарб коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳақида айтиб ўтди. Талабаларда коррупцияга қарши муросасиз ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда барча факультет деканлари, декан ўринбосарлари ва тьюторларни фаол бўлишга чақирди. Мажлисга жами 77 та одам иштирок этди.


2023 йилнинг 20 сентябрь куни Педагогика факультети 1-курс талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга факультетнинг 1 «а», «б», «в» курс Музика таълими ва 1 «е», «о» курс педагогика йўналиши талабалари жами 81 одам қатнашди. Учрашувда Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишлар ва норматив хуқуқий хужжатлар ҳақида бўлим бошлиқ П.Хожабеков талабаларга маъруза қилди. Учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олиши.



20 сентябрь куни Педагогика факультетида Антикоррупция бўлими ташаббуси билан, институтнинг Антикоррупция бўлими ходимлари, ёшлар етакчиси Б.Гулимбетов ва факультет декани ва декан ўринбосари ва етакчи талабаси иштирокида 3-курс талабалари билан профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари бўлиб ўтди. Тадбирда жами 31 одам қатнашди.




2023 йил 22 сентябрь куни Антикоррупция бўлими бош мутахассиси институтнинг Чет тиллари факультетида жойлаширилган «Адолат қутиси»ни текширди. Кутига келиб тушган мурожаат ва таклифлар тегишли дафтарга қайд этилиб, улар билан танишилди ва мазмунидан келиб чиқсан ҳолда масъул бўлимларга жўнатилди.




2023 йил 25 сентябрь куни Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими томонидан Бошлангич таълим факультети 1-курс «а», «б», «в», «г» ва «д» грухлари талабалари ва факультет тьюторлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга жами 74 одам қатнашди.

Учрашувни институтнинг Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Палмурза Хожабеков бошқарди.

Учрашувда Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишлар ва норматив-хукукий хужжатлар, фармонлар ва қарорлар ҳакида бўлим бошлиқ П.Хожабеков талабаларга маъруза қилди. Бўлим томонида олиб борилаётган ишлар ҳакида айтиб, бўлимнинг ишонч телефонлари ва телеграм боти билан талабаларни танишитирди. Талабаларга институтда «9-декабр Халқаро Коррупцияга қарши курашиш куни» муносабати билан ўtkaziladigan Tarbiriga xozirdan boishlab tayergarlik kuriishi va utgan yillgi bolgan Tadbirda faktitetning erishgan muvaффияти ҳакида aitdi.



2023 йил 26 сентябрь куни Антикоррупция бўлими бош мутахассиси институтнинг Бошлангич таълим факультетида жойлаштирилган «Адолат қутиси»ни текширди. 26 сентябрь ҳолатига хеч қандай мурожаат тушмаган.



2023 йил 27 сентябрь куни институтнинг № 2 - сонли талабалар ётоқхонаси ходимлари ва талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Коррупцияга қарши курашиб «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи П.Хожабеков талабалар ва ходимлар билан сухбатлашиб, ётоқхона ва талабалар ўртасида шартнома тузилиши кераклиги, ётоқхона пулинин банк орқали тўлаши кераклиги, талабаларга яратилган шарт-шароитлар ҳакида сўраб, тартиб-интизомга риоя килиши кераклиги ҳакида айтиб ўтди.



2023 йил 29 сентябрь куни институтнинг Кичик мажлислар залида 2023-ўкув йилидан бошлаб ишга кирган профессор-ўқитувчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлими бошлиғи П.Хожабеков бошқариб борди.


Учрашувда Антикоррупция бўлими бошлиғи П.Хожабеков Коррупцияга қарши курашишга боғлиқ норматив-хуқукий ҳужжатлар, фармонлар ва қарорлар ҳақида профессор-ўқитувчиларга айтиб, бўлим ташкил топгандан шу кунга қадар амалга оширган ишлари, муваффакиятлари, бўлимнинг ишонч телефонлари ва телеграм боти узлуксиз ишлаб турганлиги ҳақида сўз этди.

Учрашув давомида талаба-ёшларнинг санасига Коррупциянинг ёмон иллат эканлиги, унга йўл қўймаслиги ҳақидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борища нафакат Антикоррупция бўлими ходимларининг шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг ўрни катта эканлиги айтилди.

Учрашув фикр алмашишларга бой бўлиб, профессор-ўқитувчилар соҳа бўйича ўзини кизиктирган саволларга жавоблар олди.



**Коррупцияга қарши курашиш
«Комплаенс назорат» тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи**


П.Хожабеков